

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ КУНДАЛИК-МАИШИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,

Термиз давлат педагогика институти

Тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мустақиллик йилларида урбанизация жараёнлари тараққиётнинг муҳим омиллари сифатида белгиланганлиги, йирик маданий, иқтисодий марказлар ҳисобланган Қашқадарё вилоятидаги шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмасини мукаммал ривожлантиришга асос солинганлиги, ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб берди. Мақолада мустақилликнинг йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларининг кундалик-маиший ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз боради.

Калит сўз ва иборалар: Қашқадарё вилояти, урбанизация, ижтимоий ҳимоялаш, компенсация, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот.

Аннотация: В годы независимости процессы урбанизации были определены как важные факторы развития, были заложены основы для совершенного развития социальной инфраструктуры городов Кашкадарьинской области, считающихся крупными культурными и экономическими центрами, и была определена эффективность реформ. В статье говорится об изменениях в повседневной жизни городов Кашкадарьинской области за годы независимости.

Ключевые слова и фразы: Кашкадарьинская область, урбанизация, социальная защита, компенсация, жилищно-коммунальное хозяйство, государственная служба, народное образование, здравоохранение, физическое воспитание, социальное обеспечение.

Abstract: In the years of independence, the processes of urbanization were defined as important factors of development, the foundations were laid for the perfect development of the social infrastructure of the cities of Kashkadarya region, which are

considered large cultural and economic centers, and the effectiveness of the reforms was determined. The article talks about the changes in the daily life of the cities of Kashkadarya region during the years of independence.

Key words and phrases: Kashkadarya region, urbanization, social protection, compensation, housing and communal economy, public service, public education, health care, physical education, social security.

Истиқлол арафаси ва мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий соҳада ҳам кўпгина қийинчиликлар ва мураккаб ҳолатлар юзага келган эди. Ижтимоий муносабатлардаги муаммолар нафақат Ўзбекистонда, балки Иттифокнинг барча республикаларида кўзга ташланди. Натижада мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тез назоратга олинди ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Авваллари Иттифок миқёсидаги кўпгина режалаштирилган ишлар амалга оширилмай қолиб кетарди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 275-сонли “Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш” тўғрисидаги қарори айтарли бажарилмади. Бундай мисоллар истиқлол арафасидаги йилларда кўп учрайди[13].

Мустақиллик йилларида эса шаҳарлар аҳолисини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ислохотларнинг бошланғич пайтидаёқ, унинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат деб белгиланган эди. Дастлабки йиллардан оқ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриб борилди. Шу мақсадда, миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва компенсация тўловлари кенг қўлланилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарлардаги асосий муаммолардан бири ичимлик суви таъминоти эди. Ушбу масалани ҳал қилишкун тартибидаги долзарб вазифа қилиб белгиланган эди. Чунки, совет ҳокимияти даврида Қашқадарё вилояти шаҳарларида ичимлик суви ва газ таъминотига умуман эътибор берилмаган ҳамда замонавий лойиҳалар ишлаб чиқилмаган эди. Ушбу шаҳарлардаги ичимлик сув ва газ таъминоти билан боғлиқ масала мустақиллик йилларининг дастлабки давридаёқ давлат назоратига олинди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш, яъни сув тармоқлари орқали истеъмолчиларни сув билан бир меъёрга ва узлуксиз таъминлаш бўйича махсус лойиҳаларишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида шаҳар сув қувурлари тармоғи мавзелар бўйича берк контур-ҳалқалар шаклида магистрал линиялар ва тақсимлаш тармоқларига бўлинди. Йўл бўйлаб ўтказилган Магистрал сув қувурлари тармоғи линияларига истеъмолчилар (бинолар, иншоотлар)га тақсимлаш тармоқлари уланиб, қувурлар водопровод тармоғидаги зарур босим кучига, ер тупроғининг қаттиқ-юмшоқлигига, қувур ётқизиш усули ва иқтисодий омилларга қараб тартибга олинди. Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Косон, Китоб шаҳарларида ер остига ётқизиладиган қувурлар чўян, пўлат, асбест-цемент, пластмасса ва бошқаматериаллардан тайёрланди. Шаҳарларнинг жойлашуви ва ҳолатидан келиб чиқиб қувур ётқизиш чуқурлиги тупроқнинг музлаш даражасига, сувнинг ҳароратига ва тармоқнинг иш режимига боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Масалан, Қарши шаҳри учун бу чуқурлик 2,5 м ни ташкил этди[14]. Шаҳарлардаги сув муаммосини бартараф этиш мақсадида, сув қувури тармоғи замонавий янги техник воситлар (зулфин ва вентиллар), сув олиш қурилмалари, ўт ўчиришвоситалари билан жиҳозланди. Қарши, Ғузор шаҳарларидаги гидрант ва зулфинлар махсус қудуқларга ўрнатилиб, металл қопқоқлар билан ёпилди. Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Косон, Китоб шаҳарларда қуриладиган замонавий иншоотлар сув қувури тармоғида (аҳоли яшайдиган жойларда) сув босими 6 кубдан ошмайдиган сув ускуналари билан

жиҳозланди. Қашқадарё вилояти шаҳарларида қуриладиган алоҳида кўп қаватли биноларга етарли босимда сув бериш учун насослар, носозлик вақтида сув қувурлари тармоғининг шикастланган қисмидаги сувни тўхтатадиган механизмлар ўрнатилади. (Бунда тармоқнинг бошқа линияларида сув тўхтатилмайди). Сув қувурлари тармоғини, айниқса, ҳалқасимон тармоқ ва бир неча насос станцияларидан сув олувчи тармоқни ҳисоблаш жуда қийин ва мураккаб бўлгани учун компьютерлардан фойдаланиш йўлга қўйилди[15].

Шаҳарларнинг маиший хўжалигига ва саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ер ости муҳандислик коммуникацияси ва ёрдамчи қурилмалари мажмуаси мустақиллик йилларида тубдан яхшиланиб, бунга турли қувурлар ва кабеллар, турар жой, жамоат ҳамда саноат биноларидан чиқариладиган ва уларга киритиладиган коммуникациялар, эксплуатация қилинадиган қудуқлар ва бошқалар учун катта миқдорда капитал маблағлар ажратилди. Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Косон, Китоб шаҳарларида замонавий қувурлар ва кабеллар кўпинча янги биноларга қарама-қарши ҳолда муайян мавзёе ичидаги шохобчалар ҳосил қилиб ётқизилди. Қарши шаҳрида ер ости тармоқлари алоҳида бирлаштирилиб, коллекторли тарзда жойлаштирилди. Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларидаги қувурлар ва кабелларни алоҳида жойлаштиришда ҳар қайси тармоқ учун алоҳида чуқур, 10-20 йилга мўлжалланган қурилмалар ўрнатилди. Ғузор, Қарши шаҳарларида замонавий усулда турли мақсадга мўлжалланган қувурлар поғона-поғона шаклда битта чуқурга ётқизилиб, сув ва иссиқлик қувурлари ҳамда кабеллар битта умумий коллекторга ўрнатилди. Коллекторлар автоматик шамоллатиш тизими билан жиҳозланди. Коллекторли усулда ётқизилган қувурлар ва кабелларнинг хизмат муддати бошқа усуллардагига нисбатан анча катта бўлгани учун, бу усулдан кенг фойдаланилди[5].

Мустақиллик арафасида мамлакатимиздаги жанубий шаҳарлар ҳам ўзининг меъморий услуби, маданий тараққиёти билан

қадимий маданият марказларидан ҳисобланиб келган. Қашқадарё вилояти шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий омил географик ҳудудга боғлиқ бўлиб, республиканинг бошқа ҳудудлари Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари билан таққослаганда куруқ иссиқ иқлимнинг кескин фарқ қилиши, тупроқ тузилишининг қизғиш-қўнғир ҳолда фарқланиши, йирик дарёлар бўйидан узоқ яқинлиги, дашт-чўл ҳолати, ер ости ва ер усти бойликларнинг жойлашуви билан фарқланади. Энг муҳими жанубий Шаҳрсабз Қарши, Ғузор каби шаҳарлари қадимдан илк ўзбек давлатчилигини ташкил топишида, ҳарбий мудофаа салоҳиятини қулайлиги, мунтазам чегара ҳудудларида остона, темир дорвоза сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги, савдо алоқаларни ривожланишига қўшган ҳиссаси қўшганлиги билан тубдан фарқланади[4;Б.17-18].

1991-2000 йилларда республиканинг Қашқадарё вилояти шаҳарларида тез суръат билан ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, асосан, янги иш жойларини очиш ҳисобига амалга оширилди. Аҳолини иш билан таъминлаш, кам даромадли ва серфарзанд оилаларга ижтимоий кўмак кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор масалалардан бири бўлди. Натижада, Қашқадарё вилояти шаҳарларида ҳам аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Истиқлол йилларида Қарши шаҳрида бу борада анча ижобий ўзгаришлар кузатилди. 2000 йилнинг февралига келиб, Қарши, Шаҳрсабз, Ғузор, Муборак, Китоб шаҳарлари бўйича аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 60 фоизни, табиий газ билан таъминлаш эса 22 фоизни ташкил қилди. Аммо бу ҳам ҳали ниҳоятда паст кўрсаткич эди. Чунки жуда катта газ манбаларига эга бўлган Қашқадарё вилояти туманлари аҳолисини газ билан таъминланиши учун юқорида кўрсатилган 22 фоиз миқдор жуда паст кўрсаткич саналади[8;Б.10].

Қашқадарё вилояти шаҳарларида 1990-1993 йиллар давомида 2000 км дан ортиқ газ ва 1 минг 176 км сув қувурлари ишга туширилди[6]. 1990-1994 йилларда

шаҳарларда қурилиш, индустриясида 1 млн. 334 минг йиғма темир бетон буюмлар, 420 млн. дона ғишт, 557 минг³ керамзит ишлаб чиқарилди. 1995 йилда 4 млрд. 814 млн. сўмлик фонд фойдаланишга топширилди, 7 млрд. 564 млн. сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди ва 4 млрд. 504 млн. қурилиш - монтаж ишлари амалга оширилди. 1995 йил 367. минг кв.м. уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди[7].

Шу даврда кам даромадли, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кекса шахслар, ёш оилалар ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган, кам таъминланган бошқа тоифалари, уй-жойга муҳтожлар учун аниқ мақсадли коммунал уй-жой захиралари ташкил этилди. Уй-жой фондини хусусийлаштирилиши муносабати билан коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бу тизим энди маҳаллий бошқарув қўлига ўтди, янги ишчи ўринлари пайдо бўлди. Минтақаларнинг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишдаги мустақиллиги ва масъулияти ортди. 1994 йил ўрталарига келиб, оммавий хусусийлаштириш босқичи бошланиб кетди. Бу босқичда очик турдаги акциядорлар жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариш ҳамда кенг қўламда кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини яратиш ишлари олиб борилди[1;Б.54].

Шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасига уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, маданият ва санъат, йўловчи транспорти, алоқа, чакана савдо, умумий овқатланиш соҳалари киради. Бу соҳанинг ривожланишида:

- биринчидан, аҳолининг иш билан бандлик муаммоси ҳал этилади;
- иккинчидан, бу-шаҳар аҳолисининг иқтисодий аҳолини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш манбаи ҳисобланади;
- учинчидан, ижтимоий соҳа фаолияти турларининг кенгайиши давлат хазинасига келиб тушадиган тушумларнинг кўпайишига олиб келади;
- тўртинчидан, хизмат кўрсатиш

соҳаларида янги иш ўринларини барпо қилиш 5-6 баробар арзон тушади ва камроқ коммунал маблағ сарфлаган ҳолда, меҳнат ресурсларини қисқароқ вақт ичида иш билан таъминлаш имконияти юзага келади;

- бешинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши шаҳар аҳолисининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади[2; Б.110].

Қарши шаҳар меҳнат биржасининг ҳисоботида қайд этилишига кўра, «Бандлик» дастурига биноан 2010 йилда 35303 та (100,3фоиз) янги иш ўринлари яратилди. 2010 йилда Шаҳрисабз, Ғузор, Муборак, Китоб шаҳарларидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 15038 сўмни ёки 2008 йилга нисбатан ўсиш 128,2 фоизни ташкил этди. Тармоқлар бўйича энг юқори ўртача маош саноат (16676 сўм), молия, кредит, суғурта ва пенсия таъминоти (16988 сўм), транспорт (13964 сўм), геология ва гидрометеорология (11729 сўм), маиший хизмат (12650 сўм) соҳаларида қайт этилди[9;Б.31]. Бироқ шунга қарамадан жанубий вилоятларнинг шаҳар аҳолисининг таъминот даражаси республика миқёсида ҳамон паст даражада эди.

Қашқадарё вилояти шаҳарларида аҳолининг турмуш даражаси пастлигининг асосий сабабларидан бири ижтимоий ислохотларнинг орқада қолиши эди. Шаҳар аҳолиси учун коммунал қулайликлар яратиш, тиббий хизмат, халқ таълими, маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги муаммолар, ўз навбатида, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига тўсқинлик қилмоқда эди.

Аҳолини газ, ичимлик суви, кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш учун Қашқадарё вилояти шаҳарлари аҳолисининг жойлашиши ўрганиб чиқилди. Турмуш даражаси, хизмат турлари, ҳимоя воситалари таҳлил қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят аҳолисининг 15,0 фоизи шаҳарларда, 38,0 фоизи туман марказларида яшар экан. Уларни газ, ичимлик сув, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёжлар билан таъминлаш муаммолари ўрганилди[10;Б.45]. Таҳлилий хулосалардан сўнг минтақада

ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нафақадагилар ҳам ижтимоий ҳимоялаш учун уч тоифага ажратилиб, босқичма-босқич ўртача пенсия миқдори ошириб борилди. Ўзбекистонда ўртача нафақа миқдори 2003 йил 15987 сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб, 37548 сўмга тўғри келди[12;Б.142].

Қашқадарё шаҳарларида “Кам таъминланаган оилаларни барқарор даромад манбаи билан таъминлаш ҳудудий дастури”, “Оила мустақамлиги ва ёшларни ҳар томонлама оилавий ҳаётга тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилди. Дастурлар асосида фарзандлари 16 (18) ёшгача бўлган 107,8 минг нафар кам таъминланган оилага 18 миллиард 486,5 миллион сўм миқдорида нафақа берилди. 14,9 минг нафар кам таъминланган оилага 1 миллиард 154,7 миллион сўм ҳажмда моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 157 млн. 9 минг оилага 31 млрд. 884,4 млн. сўм сарфланди[3;Б.22]. Буларнинг барчаси аҳолининг маиший турмушини яхшилаш учун замин яратмоқда.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти шаҳарларининг ижтимоий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юзага келди. Энг асосийси, бу шаҳарларда мулкдорлар синфи шаклланди. Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда уларнинг ўрни бекиёс бўлди. Бу ишларни ташкил этишда ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлган маҳалла институти имконияти кенг бўлиб, ундан фойдаланиш ўзини оқлади.

Кам таъминланган ва кўп болали ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаси республика бюджети бўлиши билан бирга, бу борада маҳаллий бюджет ҳам ўзига хос ўрин тутди. Индексацияланган пул маблағларининг берила бошлаши инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунаси бўлди.

2010 йилга доир маълумотларга кўра, Қашқадарё шаҳарларида 563,3 минг нафар оила истиқомат қилган. 2010 йил мобайнида Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Муборак, Китоб, Косон шаҳарларида жами 114,6 минг оилага

9,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Мингдан ортиқ ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, тижорат банклари томонидан 2 миллиард 134,1 миллион сўм имтиёзли кредит берилган[11;Б.23].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида урбанизация жараёнлари тараққиётнинг муҳим омиллари сифатида белгиланганлиги, йирик маданий, иқтисодий марказлар ҳисобланган Қашқадарё вилояти шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмасини мукаммал ривожлантиришга асос солинганлиги, ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб берди. Қашқадарё вилояти шаҳарларнинг маъмурий, иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланиши натижасида, шаҳар аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасининг юксалишига ҳамшароит яратилди. Мустақиллик йилларида шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси юксалиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республиканинг бошқа шаҳарлари каби ривожланиш босқичларига кўтарилди. Айниқса, табиий иқлими иссиқ бўлган

жанубий шаҳарларда ичимлик сув, табиий газ таъминоти қониқарли аҳволга келтирилди. Айниқса, ижтимоий турмуш билан боғлиқ маиший хизмат турлари, маданий-маиший масканлар ҳамда кундалик эҳтиёж хизматлари, шаҳар аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда ижобий натижаларга эришди. Ижтимоий турмуш даражасини юксалтириш масаласида мустақилликнинг дастлабки йилларида тубдан ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Энг муҳими, шаҳарларда ичимлик сув ва табиий газ таъминоти замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Аҳоли талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон андозаларига мос замонавий уй-жойлар, маданий-маиший масканлар, дам олиш истироҳат боғлари куриб ишга туширилиб, шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси тубдан ўзгарди. Айниқса, шаҳар аҳолисининг кундалик талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари курилиб, шаҳарлар қиёфаси чирой очиб, аҳолининг маънавий дунёси бойиганлиги ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб берди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б.54.
2. Эрназаров Ш.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида кишлоқ хўжалик корхоналаридан бандлик муаммолари уни даф қилиш йўллари. (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқт.фан.ном.илмий.даражаси.олиш учун .дисс. –Тошкент, 2001. – Б.110.
3. Қашқадарё вилояти истиклол йилларида (Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) // Муаллиф гуруҳи раҳбари А.Эркаев. – Тошкент: “Маънавият”, 2007. –Б.22.
4. Шаҳрисабз – 2700. Минг йиллар мероси. Альбом (рус - ўзбек тилларида). – Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.17-18;
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. 7-фонд, 1-рўйхат, 1172-иш, 19-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси Президент девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-жамғарма. 4-рўйхат. 35-иш, 36-варақ.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-фонди, 1-рўйхат. 88-иш, 49-варақ.
8. Қашқадарё вилояти статистика бош бошқармаси. 1991-2005 й. – Қарши, 2006й. –Б.10.
9. Қашқадарё вилояти статистика бош бошқармаси.2008-2010 й. – Қарши, 2011. –Б.31.
10. Қашқадарё вилояти статистика бош бошқармаси. – Қарши, 2011. –Б.45.
11. Қашқадарё вилояти стастика бош бошқармаси. –Қарши, №-1 китоб, 1991-2011. –Б.23.
12. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси. – Термиз, 2007.– Б.142
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд. 2-рўйхат. 18-иш, 17-варақ.
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви 95-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 43-варақ

15. Сурхондарё Оқоба сув бошқармаси жорий архив. 2011 й. 5-баённома. 3-хужжат, 17-варақ.

БУХОРО АМИРЛИГИДА 1910 ЙИЛ ЯНВАР ВОҚЕАЛАРИ ШАРИФЖОН МАХДУМ САДР ЗИЁ ТАЛҚИНИДА

Янгибоева Дилноза Ўктамовна

Термиз давлат университети “Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик”
кафедраси доценти в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллий тарихшунос, маърифатпарвар Муҳаммад Шарифжон махдум Садри Зиёнинг “Рўзнома” асари асосида 1910 йил 9 январ куни Бухоро амирлигида суннийлар ва шиалар ўртасида келиб чиққан қонли тўқнашув тафсилотлари ёритилади.

Калит сўз ва иборалар: Рўзнома, илими толиб, Остонакул қўшбеги, муҳаррам ойи, Бақохўжа қозикалон, Бурхониддин раис, амир Абдулахад, рус маъмурлари, Саид Олимхон Тўра, Қарши.

Аннотация: В данной статье освещаются подробности кровавого конфликта между суннитами и шиитами в Бухарском эмирате 9 января 1910 года на основе труда «Рузнома» краеведа и просветителя Мухаммада Шарифджона Махдума Садри-и Зия.

Ключевые слова и фразы: Рузنامه, студенты, Останакул кошбеги, месяц Мухаррам, Бакаходжа Казикалон, Бурхониддин Раис, Амир Абдулахад, русские администраторы, Саид Алимхан Тюра, Карши.

Annotation: This article covers the details of the bloody conflict between Sunnis and Shiites in the Emirate of Bukhara on January 9, 1910 based on the work "Ruzname" of the local historian and enlightener Muhammad Sharifjon Makhdum Sadr Zia.

Key words and phrases: Ruzname, students, Ostanakul koshbegi, month of Muharram, Bakahojah Kazikalon, Burkhoniddin Rais, Amir Abdulahad, Russian administrators, Said Alimkhan Tyura, Karshi.

XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг катта воқеалардан бири 1910 йилдаги суннийлар

билан шиалар ўртасида юз берган сиёсий қарама-қаршилик ва ўзаро хунрезлик ҳисобланади [1. 130]. Ўша давр манбаларида бу можаро «ашуро фитнаси» номи билан тилга олинади [2. 87]. Ушбу можаро тафсилотлари шу даврда яшаб фаолият кўрсатган Шарифжон махдум Садри Зиё [3. 141 а – 146 б], Мирза Салимбек [4], Муҳаммад Али Балжувоний [5. 39-41], Садриддин Айний [1. 58-59], Абдурауф Фитрат [6. 16-26] каби тарихнавис ва тараққийпарварлар асарларида қайд этиб ўтилган.

Маърифатпарвар Муҳаммад Шарифжон махдум Садри Зиёнинг биографик характердаги “Рўзнома” (“Кундалик”) асари Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги сиёсий-ижтимоий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритувчи муҳим маълумотларга бой. Садри Зиёнинг ушбу асари 1918 йилда бошқа асарлари қатори ёқиб юборилган ва кейинчалик, 1920-30 йиллар орасида муаллиф хотиралари асосида қайта ёзилган [3. 1].

Асар 1306/1889-90 йилда амирликда тарқалган вабо ва шу касаллик билан Садри Зиё отасининг вафот этиши воқеалари билан бошланади. Сўнгра қози Абдушукурнинг ҳаёти ва фаолиятини, 1893 йилдан 1920 йилларгача муаллифни Бухоронинг Хутфар тумани ва бошқа шаҳар ҳамда туманларида қози лавозимида тайинлаганлиги, Бухоро амирлигида, хусусан, ўзи қозилик қилган вилоят ва туманларда, шунингдек, хорижий мамлакатларда бўлган воқеалар ҳақидаги хотирасини тавсифи берилган.

Бу асарда муаллифнинг Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Россия халқларининг маданий ва ҳўжалик ҳаёти тўғрисида